

Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажги буюк давлат

2022 йил — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2022 йил 12 октябрь, № 221 (8283)

Чоршанба

Сайтимида ўқиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК КЕНГАЙТИРИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 11 октябрь куни Татаристон Республикаси Президенти Рустам Минниханов бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Учрашувда Татаристон билан амалий шерикликни кенгайтириш ва иқтисодийнинг устувор тармоқларида қўшма инновацион лойиҳаларни илгари суриш масалалари кўриб чиқилди.

Етакчи корхона ва компаниялар ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг илк

натижалари мамнуният билан қайд этилди.

Тошкент вилоятидаги “Чирчиқ” кимё-индустриал технопарки доирасида кооперация қўлами кенгайтириб бормоқда. Хусусан, 16 та инвестиция лойиҳаси тайёрланмоқда ва амалга оширилмоқда.

Қабул қилинган “Йўл харитаси”га мувофиқ, машинасозлик тармоғида, янги турдаги кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқариш борасида, кичик тоннажли кимё ва нефтни қайта ишлаш, аграр саноат, IT соҳаларида кооперацияни кучайтириш ва лойиҳаларни илгари

суриш истиқболлари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон ҳудудларида, шу жумладан, Жиззах ва Тошкент вилоятларида қўшма бизнес лойиҳаларини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Таълимга оид, техник ихтисосликлар

бўйича кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш борасидаги дастурларни амалга оширишга келишиб олинди.

ЎзА.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ АМАЛИЙ ТАШРИФ БИЛАН ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг таклифига биноан 12 — 14 октябрь кунлари Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш ҳамда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун ташриф билан Қозоғистон пойтахти Остона шаҳрида бўлади.

13 октябрь куни бўлиб ўтadиган юқори даражадаги халқаро форум — Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш саммитида қўшма ҳавфсизлик ва барқарор тараққиётни таъминлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилади.

14 октябрь кунига режалаштирилган МДҲ мамлакатлари етакчиларининг учрашувида кўп томонлама шерикликнинг энг муҳим жиҳатлари ва амалий ҳамкорликни кенгайтириш истиқболларини муҳокама қилиш кўзда тутилган. Бўлажак тадбирларда ало-

ҳида эътибор ўзаро савдони кўпайтириш ва саноат кооперацияси лойиҳаларини илгари суриш, самарали транспорт коммуникацияларини шакллантириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва иқлим ўзгаришига қарши курашиш масалаларига қаратилди.

Бундан ташқари, саммитлар доирасида Ўзбекистон Президенти ҳамкор мамлакатлар делегациялари раҳбарлари билан икки томонлама учрашувлар ва кўп томонлама музокаралар ўтказилади.

ЎзА.

ОСИЁДА ТИНЧЛИК, БАРҚАРОРЛИК ВА ФАРОВОНЛИК ТАЪМИНЛАНИШИ ЙЎЛИДА

Жорий йил 13 октябрь куни Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг (ОХИЧК) VI саммити ўтказилди. Ушбу учрашув 2020 — 2022 йилларда мазкур кенгашга раислик қилаётган Қозоғистон пойтахтида бўлиб ўтади.

Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг (ОХИЧК) қақариш ташаббуси илк бор Қозоғистон томонидан 1992 йил октябрь ойида илгари сурилган. 1999 йил сентябрь ойида кенгашга аъзо давлатлар ташқи ишлар вазирларининг Олмаотада бўлиб ўтган биринчи учрашувидан сўнг ОХИЧК расман “мулоқот учун форум” сифатида фаолият кўрсата бошлади.

Ўзбекистон 2002 йил 4 июнь куни ОХИЧКнинг асосий ҳужжати — Олмаота актини имзолаган. Мамлакатимиз ОХИЧК аъзоси сифатида жорий хавфсизлик ва тараққиёт кун тартибидagi масалалар бўйича конструктив таклифлар киритиб келмоқда. Президент Шавкат Мирзиёев 2019 йил 15 июнь куни Душанбеда ўтказилган ОХИЧК саммитидаги нутқида бугун кенгаш

Осиёда умумий ва бўлинмас хавфсизлик маконини яратиш мақсадида мулоқот учун нуфузли халқаро платформа эканини таъкидлаган эди.

Ташкилотнинг асосий мақсадлари Осиёда тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича кўп томонлама ёндашувларни ишлаб чиқиш орқали минтақда фаровонлик ва барқарорлик йўлида савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш, гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний ишлаб чиқарилиши ва савдосига ҳамда терроризмнинг барча шакл ва кураш шаклларига қарши кураш, атраф-муҳитни муҳофаза қилиш, оммавий қирғин қуроллари тарқалишининг олдини олиш ва уларни изчил йўқ қилиш билан боғлиқ барча масалалар бўйича ҳамкорлик қилишга қаратилган.

➡ 4

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ: АҲОЛИ КАЙФИЯТИ — ИСЛОҲОТЛАРИМИЗ ВА СИЁСАТИМИЗНИНГ КЎЗГУСИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 11 октябрь куни маҳаллаларни обод қилиш ва аҳолини ўйлантираётган масалаларни ҳал этиш бўйича устувор вазифалар юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ишлар, ижтимоий-иқтисодий лойиҳалар халқни рози қилишга қаратилган. Давлатимиз раҳбари ҳар доим “ислохотлар натижасини одамлар ўз хаётида, маҳалласида сезсин”, деб талаб қўяди.

Шу мақсадда жорий йилги дастурлар доирасида 4 минг 100 та маҳаллани обод қилиш, болалар боғчаси, мактаб, соғлиқни сақлаш, сув, электр, канализация билан боғлиқ муаммоларини ҳал қилишга бюджетдан қарийб 29 триллион сўм маблағ ажратилди.

Бунинг эвазига 434 та маҳаллада икки йўллар таъмирланди. 672 та маҳаллага ичимлик суви тармоғи тортилди. 34 та янги мактаб барпо этилди, 338 таси реконструкция қилиниб, 360 таси таъмирланди, уларда қўшимча 78 минг нафар ўқувчи таълим олишига имконият яратилди. Шунингдек, 580 та трансформатор, 20 минг километр тармоқлар янгиланиб, 413 та маҳалладаги 1,5 миллион аҳолининг электр таъминоти яхшиланди.

Ийгиликда бундай ишларни тизимли равишда давом эттириб, маҳаллалардаги долзарб масалаларни ҳал қилиш чоралари муҳокама қилинди.

— Ҳеч бир фуқаро ўзининг муаммолари билан ёлғиз қолмаслиги керак. Аҳоли кайфияти бу — ислохотларимиз ва сиёсатимизнинг кўзгуси. Каттами-кичикми, одамлар айтган ҳар бир

муаммога ўз вақтида муносабат билдириш, уларни босқинча-босқин ҳал қилиш барча даражадаги раҳбарларнинг энг устувор вазифаси бўлиши шарт, — деди Шавкат Мирзиёев.

Бугунги кунда юртимизда 9 минг 370 та маҳалла бор. Президентимиз топшириғига кўра, уларнинг ҳар бирига борилиб, аҳолини қўяётган муаммолар рўйхати шакллантирилган.

Хусусан, йўл, ичимлик суви, суғориш тизими, электр таъминоти, таълим ва тиббиёт билан боғлиқ 12 мингта масала кўтарилган.

Ийгиликда мазкур муаммолар ечимини ўз ичига олган аниқ вазифалар белгиланди. 4 минг 979 та маҳаллада режалаштирилган 5 минг 695 та қурилиш-таъмирлаш лойиҳалари учун “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” жамғармаларига 1 триллион 700 миллиард сўм йўналтирилиши айтилди. Эҳтиёжга қараб йил якунига қадар яна 1 триллион сўм ажратилади.

Маҳаллаларда турмуш шароитларини яхшилашда “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси айна мўддао бўлмоқда. Жорий йил иккинчи ярмида бу лойиҳада 9 минг 201 та (98 фоиз) маҳалла иштирок этди. Овоз бериш якунларига кўра, 1 минг 221 та маҳалладаги 1 минг 418 та лойиҳа голиб деб топилди, улар учун жами 1 триллион сўм маблағ ўтказиб берилди.

Президентимиз аҳоли талабларини қаноатлантириш ва маҳаллаларни обод қилиш мақсадида “Ташаббусли бюджет” лойиҳасини янада кенгайтириш таклифини билдирди.

Шу боис, 342 та маҳалладаги 2 мингтадан ортиқ овоз тўплаган, лекин голиб бўлмаган 364 та лойиҳа учун қўшимча 335 миллиард сўм ажратилдиган бўлди. Бундан ташқари, аҳоли саломатлиги муҳимлигини инобатга олиб, маҳалла шифокорлик пунктлари, оилавий поликлиникаларни жиҳозлашга келгуси йилда қўшимча 200 миллиард сўм ажратилади.

Шу билан бирга, келгуси йилдан вилоят бюджетлари қўшимча маблағларнинг 30 фоизи ҳам “Ташаббусли бюджет” лойиҳаларига йўналтирилиши айтилди. Бу — яна қўшимча 1 триллион сўм дегани.

Умуман, келгуси йилдан бошлаб маҳаллалардаги инфратузилма учун маблағлар фақатгина “Ташаббусли бюджет” орқали аҳоли истаган лойиҳаларга ажратилиши белгиланди.

— Келгуси йил 1 январдан “Ташаббусли бюджет” лойиҳалари учун маблағлар 3,5 бараварга оширилиб, 8 триллион сўмга етказилади. Шунда ўрғинли бўлмайди, адолат бўлади, одамлар ўзлари хисса қўшган лойиҳаларни, албатта, асраб-авайлайди, — деди давлатимиз раҳбари.

Яна бир янгилик — ҳар бир маҳалла ўзининг муаммосини мустақил ҳал этиши учун келгуси йилдан “Маҳалла бюджет” тизими жорий этилади. Ҳар бир вилоятнинг солиқ ундирилиши паст бўлган биттадан туманида, тажриба тариқасида, аҳолининг мол-мулк ва ер солигини ундириш маҳалланинг ўзига ўтказилади. Бундан тушган маблағ “Маҳалла бюджет”да қолади.

Мутасаддиларга ушбу маблағларни шакллантириш, сарфлаш ва назорат қилиш тартибини ишлаб чиқиш топширилди.

Ийгиликда худудларни кўкаламзорлаштириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида бу йил якунига 75 миллион дона, келгуси йил баҳор ойларида яна 125 миллион дона мевали ва манзарали кўчатлар экиш вазифаси қўйилди. Ўтган йилги тажрибадан келиб чиқиб, 20 октябрдан 1 декабргача кўчат экиш бўйича “долзарб 40 кунлик” эълон қилинди.

— Дарахт хавас билан экилиши, халқимиз, маҳаллаларимизнинг маданиятига айланishi лозим, — деди Президент.

Ийгилик якунида мутасаддиларнинг ҳисоботи ва таклифлари эшитилди.

ЎзА.

Кўз ўнгимиздаги ўзгаришлар

Биз Буюк Ипак йўли орқали ривожланган ана шу тарихий аъналарни бугун тараққиёт, маданият, дўстлик ва ҳамкорлик йўли сифатида қайта тиклашга интилоқдамиз. Шу мақсадда дунё ҳамжамияти билан турли соҳалардаги алоқаларни кучайтириш, мамлакатимизга замонавий илм-фан ютуқлари, юқори технологиялар, инвестициялар, янги, илғор ғоялар кириб келиши учун шароит яратмоқдамиз.

Умуман, “Буюк Ипак йўли” мажмуаси Ўзбекистоннинг дунёга кенг очилаётган яна бир дарвозаси, десак, аини ҳақиқат бўлади.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти



САМАРҚАНД — ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТУРИЗМ ДАРВОЗАСИ

➡ 2-3



САМАРҚАНД

Президент Шавкат Мирзиёев 19 сентябрь кuni мамлакатимизнинг ички ва ташқи туризм салоҳиятини янада ошириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказган видеоселектор йиғилишида соҳа мутасаддиларига элчионалар ва хорижий компаниялар билан ҳамкорликда "Самарқанд — Янги Ўзбекистоннинг туризм дарвозаси" брендини тарғиб қилиш бўйича кўрсатмалар берди.

Бу беҳиз эмас, албатта. Самарқанд ўзининг бетақор шарқона қиёфаси, бебаҳо қадимий обидалари, бой маданий мероси билан дунё жамоатчилигини хайратлантириб келади. Бу қадимий ва навқирон шаҳар Рим, Афина, Вавилон, Фива каби дунёнинг энг кўна кентлари қаторида тилга олинади.

Неча асрларки, жаҳон аҳли бу гўзал маъвои ҳаётида бир мартаба бўлса ҳам кўришни хоҳлайди, унга интилади ва орзу-истаклари рўёбга чиққанида, бутун умрлик ошuftасига айланади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан Самарқанд шаҳрида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар, улкан бунёдкорликлар нафақат мазкур ҳудуд тараққийтини таъминлаш, балки ушбу афсонавий кентнинг дунё саҳнасидаги тарихий ўрни ва шукратини қайта тиклаш, уни

янги Ўзбекистоннинг туризм дарвозасига айлантириш, бу ерда юрдошларимиз ҳамда сайёҳлар учун барча замонавий инфратузилмани яратишга қаратилгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Жумладан, Ватанимиз мустақиллигининг 31 йиллиги ҳамда сентябрь ойида Самарқанд шаҳрида ўтказилган Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг навбатдаги саммити олдидан ғоят улғувор меъморий мажмуа — "Буюк Ипак йўли" халқаро туризм марказининг фойдаланишга топширилиши бу йўлдаги ниҳоятда истиқболли лойиҳалардан бири бўлди.

Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, бу улкан марказ буюк аждодларимиз бунёд этган мухташам меъморий обидаларга муносиб бўлиб, уларнинг тарихий аъналарини давом эттиради. Ушбу мажмуа мамлакатимизда ҳозирги пайтда пойдевори қурилиши бошланган учинчи Ренессанс ва олдинги тарихий даврлар ўртасидаги рамазий кўприк бўлади. Мажмуадаги осориатикаларни, хунармандлар қўлида сайқал топган санъат асарларини, миллий нақшлари жило сочиб турган либосларни кўрганингизда, мозий билан рўбарў келгандай бўласиз.

Юрдошларимиз ва хорижлик сайёҳларнинг қуйидаги фикр-мулоҳазалари айнан шу ҳақда.

Ноёб мажмуа сайёҳлик салоҳиятини юксалтиради

Суроб ГУПТА,
тодбиркор
(Хиндистон):
— "Боқий шаҳар" мажмуаси дунё халқларини бирлаштирадиган, авлоду аждодлари яратган тарихий обидалар, миллий либослар, урф-одатлар, аъналарни намойён этадиган улғу жой бўлибди. Кўрган кишининг кўзи қувнайди. Бу мажмуани томоша қилар эканман, юрагимда чексиз бир гурур ҳиссини сездим. Чунки унинг қурилишида бизнинг ҳам ҳиссамиз бор. Ишбилармон сифатида биз Хиндистондан турли безакли тошлар, гранит, мрамор каби қурилиш ашёларини олиб келдик. Ноёб мажмуа Ўзбекистоннинг туристик салоҳиятини янада юксалтиради.



Бу ерда бизга очиккўнгиллик, меҳмондўстлик кўрсатишмоқда. Менга ва рафиқамга миллий либослар ҳаёда қилишди. Насиб этса Хиндистонга боргач, шу либосни турмуш ўртоғимга бераман. Ростини айтсам, Самарқандга олиб келиш истагини менга тинчлик бермапти.

Айтмоқчи, бу ерда беш юлдузли меҳмонхоналар қурилибди. Бу жуда ажойиб, дунё сайёҳларини жалб қилишда муҳим аҳамият касб этади. Йўллар равон, йўл бўйлаб савдо расталари, ошқона ва чойхоналар барпо қилинибди. Бу ҳам шаҳарнинг туристик жозибадорлигини янада оширади.

Эшитишимга қараганда, Самарқандда тоғ-экстремал сайёҳлик ҳам ривожланиб борапти экан. Насиб этса ўша жойларга ҳам бориб, канатда юқоридан Самарқанднинг латиф табияти, мафтун қорлигидан баҳраманд бўлмоқчиман. Мен қалбан Ўзбекистонга, Самарқандга яқин одам бўлиб қолдим. Бу ришталарни сира узмоқчи эмасман.

Дунё эътирофи фаолиятимизга рағбат



Рустам ҚОБИЛОВ,
Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари — вилоят туризм ва маданий мерос бошқармаси бошлиғи:

ватига эга. Қолаверса, халқаро туризм марказидаги замонавий Конгресс-холлда йиғилишлар, форумлар, конференциялар ташкил қилиш учун барча имконият яратилган. Шу билан бирга, 14 та замонавий коттеж типидagi оилавий яшашга мўлжалланган уйлар меҳмонларимизга мунтазир.

Албатта, марказнинг келгусидаги истиқболлари ниҳоятда катта. Шу ҳудудда болалар ўйингоҳи, катта универсал спорт ўйингоҳи ва музей ташкил қилиш мўлжалланган. Меҳмонлар Тошкентдан Термизга бораётган ёки Термиз йўналишида Тошкентга кетаётган бўлса, туризм марказида дам олиб, ҳордиқ чиқариб кетиш имкониятига ҳам эга.

— Мамлакатимизда олиб борилаётган инсонпарвар сиёсат, қарор топган тинчлик, хотиржамлик туризм соҳаси раванқида муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Шу билан бирга, сайёҳларга ҳозирланаётган қулайликлар, ўзини хавфсиз ва эмин-эркин ҳис қилиши учун яратилаётган шарт-шароитлар юртимизга туристларни оҳанрабодек тортмоқда.

Халқаро туризм маркази ёнида Ўзбекистонда биринчи туризм қишлоғи — Кониғил жойлашган. Бу ҳудуд азалдан хунармандлар қишлоғи ҳисобланади. Ҳозир бу ерда Самарқанд қозони ишлаб чиқаришмоқда. 32 нафар хунарманд шу қишлоққа келган меҳмонларни миллий хунармандчилигимиз намуналари билан таништирилади. Дурдодлар, зардўзлар, каштадўзлар, заргарлар фаолият кўрсатишмоқда. 2023 йилнинг биринчи чорағида ушбу қишлоқнинг иккинчи босқичини ишга тушириш мўлжалланган. Қишлоқда 300 та янги иш ўрни ва 2,2 километрлик Сибёб ҳамда Обираҳмат каналлари бўйида чиройли ва сўлим гўша барпо қилинади.

Халқаро туризм марказидан то Регистонга бўлган 8,4 километр йўлда туристлар учун шопенг, яъни савдо қиладиган хизмат кўрсатиш расталари, овқатланиш жойлари, маданий мерос объектилари лойиҳасини ишлаб чиқдик. Насиб этса, келаётган меҳмонлар халқаро туризм маркази билан танишиб, у ерда жойлашиб, Самарқанд шаҳрига мазкур маршрут орқали кириб келишди.

Ички ва ташқи туризм салоҳиятини таҳлил қилиб бораёмиз. Масалан, хорижий туристларимиз сони 2019 йилда 560 минг бўлган бўлса, бугунги кунда қарийб 550 минг нафарга етмоқда. Насиб этса, 2019 йилги кўрсаткичларни янгиликларимиз билан янада оширишимиз мумкин. Президентимиз Самарқандга хорижий туристлар келиши оқимини 1,5 миллион кишига етказиш топширигини берди. Шу боис бугунги кунда туризм ҳалқаси яратишга, яъни келаётган ҳар бир сайёҳни биринчи кундан то бешинчи кунгача борадиган маршрутларини аниқ ва қулай ҳолда ишлаб чиқишга ҳаракат қилияёмиз.

Олам кўзимга ёрқинроқ кўришиб кетди

Жон ТЕРРЕ,
сайёҳ (Франция):

— Мени Самарқандга келишга ундаган, тавсия берган дўстларимдан жуда миннатдорман. Улар "Самарқандга бормабсан, бу дунёга келмабсан" дейишган эди. Тўғриси, бу шаҳарни кўриб, дунёга қайта келгандай бўлдим. Сабаби Бибиҳоним, Регистон, Амир Темур мақбараси каби тарихий обидаларини ҳеч қаерда учратмаганман. Тўғри, суратларини томоша қилганман, лекин ўз кўзим билан кўриш, қалбим ҳис қилиш бошқа экан.

Давлатингиз раҳбари ташаббуси билан бу муазза кентда ниҳоятда кўламдор бунёдкорлик ишлари олиб борилаётганини кўриб севишдик. "Буюк Ипак йўли" халқаро туризм маркази ва "Боқий шаҳар"

мажмуаси Ўзбекистонда янги тарих яратилаётганидан дарақ бермоқда. Мухит жуда ажойиб! Одамлар яратувчанлик завқи билан яшашмоқда.

Тан олиш керак, сизларнинг хунармандларингиз, заргару зардўзларингиз қўлида жилланаётган буюмлар рангини ҳеч қаерда учратмаймиз. Беихтиёр Самарқандда дунё кўзимга янада ёрқинроқ кўришиб кетди. Рафиқам менга "Қаниқиди, шу жилвагар дўппи, белқарс ва либосларнинг ҳаммасини сотиб олсак эди", дейди. Ҳаммасини яқин кўриб қолгани, меҳри ошгани туфайли у хайратини яшира олмаяпти.

Францияга қайтганимда дўстларимга таассуротларим ҳақида гапириб бераман ва уларга ҳам бу қадимий шаҳарга келишни тавсия қиламан. Чунки Самарқанд дунёни, дунё Самарқандини!



ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

- Самарқандда туризмнинг 13 тури — зиёрат, экскурсион, гастрономик, бизнес, экотуризм, этнотуризм, тоғ-экстремал, спорт, ишбилармонлик, таълим, тиббий, транзит мавжуд.
- Меҳмонхоналар — 151 та, хостеллар — 44 та, меҳмон уйлари — 293 та.
- 2022 йил бошидан Самарқандга 144 та давлатдан 550 мингдан зиёд хорижий сайёҳлар келди.
- Бугунги кунда туристларнинг ўртача қолиши 2,6 кунни ташкил қилмоқда. Хорижлик сайёҳларнинг 1 кунлик харажати 152 АҚШ долларини, маҳаллий туристларники 550 минг сўмга етмоқда. Уларнинг яна 1 кун қолиш қуларини узайтириш орқали туризм хизматлари экспорти йилгига қўшимча 14 млн. АҚШ долларини қўпайтади.
- Транспорт воситалари бир вақтнинг ўзида 7200 нафар туристга хизмат кўрсата олади. 2021 йилда ЯХМдаги туризм хизматлари улushi 0,9 фоизни, 2022 йил 1-чорақда эса бу кўрсаткич 1,4 фоизни, хизматлар ишлаб чиқариш ҳажмидаги туризм улushi 8 фоизни ташкил этди.
- Самарқандга ҳаво йўллари орқали бир ҳафтада 8634 нафар, темир йўллар орқали 14600 нафар ва автобус ҳамда хусусий транспортларда 23890 нафар сайёҳ ташриф буюради.
- Самарқанд туманида Кониғил туризм қишлоғининг 2-босқичи доирасида 100 та туризм объекти ва 500 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилади. Бу лойиҳа "Буюк Ипак йўли" халқаро туризм маркази билан боғланиб кетади.
- 2022 йил 8 ойи давомида 18,5 мингта янги иш ўрни очилди.
- Ҳазрати Довуд зиёратгоҳига туташ ҳудудда лойиҳа миқдори 12 млн. АҚШ доллари бўлган дор йўли барпо этилмоқда. Лойиҳа доирасида 8 та ҳудудда туризм комплексига асос солинмоқда.
- Келгусида Тайлоқ туманида лойиҳа қиймати 50 млн. АҚШ доллари бўлган Имом ал-Бухорийнинг устози бўлиш Имом ал-Дорамий мақбарасини таъмирлаш, янги масжид, кутубхона, ўқув хоналарини барпо этиш ишлари олиб борилади.
- 2022 йил якунига қадар Пайариқ туманида қиймати 10 млн. АҚШ доллари бўлган 300 ўринли, 5 юлдузли меҳмонхона лойиҳаси фойдаланишга топширилади.
- 2022 йил якунига қадар Тайлоқ туманида қиймати 7 млн. АҚШ доллари бўлган 110 ўринли меҳмонхона, логистика маркази ва дам олиш маскани фойдаланишга топширилади.

Омон бўлсак, яна келамиз



Радмир ҒАЗИЗОВ,
Бошқирдистон давлат университети ўқитувчиси:

— Самарқандга илғари ҳам келганман. Кўп асрлик тарихини, гўзал меъморий обидаларини кўриб, хайратим ошган эди. Бу гагли келишимда эса бутунлай ўзгача — янги Самарқанд кўз ўнгимда намойён бўлди. Беқиёс гўзаллик, тарих ва ўтмиш уйғунлигини кўриб, беҳад қувондим, бу заминга келишга ундаган турмуш ўртоғимга ташаккур айтдим.

Дунёнинг кўлаб мамлакатларида бўлганман. Франциянинг Эйфель миносаси, Хиндистондаги Тажмаҳал, Буюк Хитой девори ва бошқа тарихий жойларни ўз кўзим билан кўрганман. Менда улардан кўра кўпроқ хайрат уйғотгани "Буюк Ипак йўли" халқаро туризм маркази ва унга туташ "Боқий шаҳар" мажмуаси бўлди. Бошқирд ва ўзбек халқининг тили бир-бирига яқин, урф-одатлари ҳам ўхшаш. Шу боис мен "Боқий шаҳар" мажмуасида ўзимга яқин, халқимиз урф-одатларига ўхшаш манзарани кузатишим ва юртингизга меҳрим ошди. Хулоса шундан иборатки, мен ўқитувчи сифатида талабаларимга бу гўзал манзараларни

сўзлаб бераман. Айниқса, янги Самарқандда яшаш, дам олиш, ҳордиқ чиқариш учун яратилган барча шарт-шароитлар ҳақида айтаман.

Самарқандга бир ҳафтага келдик. Шу фурсат ичида Самарқанд тонги, оқшони ва тунларини кузатишимиздан бахтиёримиз. Қувонарликки, мажмуада ўзбек кулчилиги, ёғоч ўймакорлиги санъати намуналарини кузатиш имкони яратилган. Машҳур расомлар ястанасида юзма-юз сўхбат қилдик. Бундай завқ-шавқ ва миллий аъналарга ҳамоҳанглик халқларни бирлаштиради, дўстлик ришталарини мустаҳкамлайди. Самарқанд ўзаро мулоқот, ҳамжиҳатлик, миллатлар ўртасидаги қардошлиқ ришталарини боғлайдиган бағрикенг шаҳардир. Омон бўлсак, яна келамиз!

Аждодларингиз ақл-заковатига таъзимдаман

Элиза ГЛТОВА,
сайёҳ (Россия Федерацияси):

— Илк бор Самарқандга келганимда қандайдир энгиллик ва ҳаловатни ҳис қилдим. Биласизми, мен Самарқандни суратларда кўриб, шунча узоқ йиллардан буён бу обидалар нега ҳозирга қадар худди бугун қурилгандек яп-янги турганига ажаб-

ланардим. Келиб кўргач, англаб етдимки, аждодларингиз геометрияни жуда яқин билган экан. Ҳар бир гишт ўз ўрнига қўйилган. Осмонўпар тарихий обидаларнинг лойиҳаси шундай пухта ишлаб чиқилганки, уни бугун компьютерда қайта лойиҳаласангиз ҳам бирорта ортиқча гишт қўйишга ҳолат қолмайди. Аждодларингиз ақл-заковатига таъзимдаман.



Бу обидаларнинг аҳамияти ҳақида айтсам, улар билим, иқтидор, салоҳият ва доноликдан ўғит бераётгандек, назарлардан буён бу обидалар нега ҳозирга қадар худди бугун қурилгандек яп-янги турганига ажаб-

лари каби нимадир яратишга, ниманидир кашф этишга қарор қилдим. Обидалар гўё жим тургандек, аслида ундай эмас, улар сўзлаяпти, фақат уни эшитиш керак...

Бугунги кунда мамлакатларимиз ўртасида ўзаро туристик оқимларни кўпайтириш, сайёҳлик соҳасида қўшма дастурлар ва лойиҳаларни амалга ошириш борасида кенг кўламли алоқалар кучаймоқда. Яқинда Самарқандда бўлиб ўтган ШХТ саммитида Ўзбекистон раҳбари томонидан келгуси йили "ШХТ маконида туризмни ривожлантириш йили" деб эълон

қилиш тақлиф этилгани ушбу устувор йўналишдаги ҳамкорликни янада фаоллаштиришга ҳисса қўшади.

Очигини айтсам, ўзбек миллий либослари шайдосиман. Қаранг, самарқандлик қўлигул чеварлар тиккан либос эгинимга қандай ярашиб турибди, кўрган одам мени Шарқ аёли дейди. Рухиятим ҳам, қалбим ҳам шу либос каби янада нафислашди, аини дамда шу халқ, шу миллат урф-одатлари, аъналарига меҳрим янада ошди. Меҳмондўстлик, бағрикенглик ва очикфўйликни сизлардан қанча ўргансак арзийди.





Янги Ўзбекистоннинг туризм дарвозаси



Хунармандлар дил сўзлари

Нуфузли меҳмонлар таомларимиз мазасига қойил қолишди

Қобил МИРБОБОВ, новобой:



— Битта тандирга бир ёпишда 40 та нон кетади, сомса учун ясалган тандирга 200 та сомса сигади. Одатий кунларда икки тандир нон, икки тандир сомса меҳмонларга етиб ортади. Лекин саммит

кунлари бир умрга ёдимизда қоладиган бўлди. Ахир бирварақайга дунёнинг 14 та давлати раҳбарини кўриш ҳаммагаям насиб қилавермайди. Лекин тўғри, ўзига хос қийинчиликлар ҳам бўлди. Уша кунлари одам кўплицидан бир кунда 600 — 700 тагача нон, 1300 — 1500 тагача сомса ёпишимизга тўғри келди. Мажмуамиз раҳбари Ўктам Латипов нуфузли меҳмонга ўз қўли билан сомса узатди. Улар меҳнатимизга, айниқса, таомларимизнинг мазасига қойил қолишди. Бизга раҳматлар айтишди.

Тўйчи ИСМОИЛОВ, Жиззах вилояти қирғиз миллий маданий маркази раиси ўринбосари:

— Мамлакатимизда миллатлар ўртасидаги дўстлик, қардошлик аён-аналарини камол топтиришга катта эътибор қаратилляпти. Мана, мен ўзим Жиззахда қирғиз миллий маданий марказида фаолият кўрсатиб келаётган бўлсам, бу миллат вакиллари билан "Ватан ичра сайр"



Ватан ичра сайр

лойиҳаси асосида турли вилоятларга бораёмиш. Бу сайратлар халқларимиз ўртасидаги ўзаро дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Ички туризм доирасида Самарқандга қилган сайратимиз эса жуда таассуротларга бой бўлди. Ишонасизми, "Буюк Ипак йўли" халқаро туризм марказини кўрганимда, худди болалигимга қайтгандай бўлдим. Ариқ бўйида айланб турган чархпалак, ўтовларда гилам тўқиётган қиз-жувонлар, ёғочга нақш бераётган уймақорлар, кулоллар ва эски ўзбек ёзувида Самарқанд қозғозига ибратли сўзларни битаётган хаттотлар тимсолида ўзимни мозиёга сайр қилгандек ҳис этдим.

Асосийси, буларни кўриб инсоният яратган эзгу амаллар боқий яшашига яна бир бор амин бўлдим. Эҳ-ҳе, неча-неча асрлар ўтибдики, халқимиз хунари, осориатикалари ва урф-одатлари ҳалиям миллийликдан, ўзликдан ҳикоя қилиб турганга ўхшайди. Миллат қиёфаси, ўзлиги ана шундай қадриятлар тимсолида бардавомдир. Айни чоғда Абдулла Қодирий номидаги Жиззах давлат университетида фаолият юритаман. Илм одами бўлганим учун бу таассуротларимни талабаларга сўзлаб бераман, албатта, ёшларни ҳам бу ерга олиб келаман.

Ўтовда янграётган қорақалпоқ оҳанглари



Айнура ЖЕМУРОВА, хунарманд (Қорақалпоғистон Республикаси):

— "Боқий шаҳар" мажмуасига қорақалпоқ ўтовини тикдик. Ўтов ичига қирсангиз, бошқа бир дунё кўз ўнгини кўришга намойён бўлади. Бу ерда қорақалпоқ миллий нақшлари билан безалган буюмлар кўзингизни қувнатади. Ўтов ичидан эшитилиб турган қорақалпоқ оҳанглари эса сизни мафтун этади. Ўтовимизга кўпбал хорижлик сайёҳлар кириб, хайратини яшира олмаляпти.

Айниқса, япониялик туристлар гилам тўқиш усқуналаримиз ҳақида сўраб, қорақалпоқ қизлари қўлида сайқал топаётган миллий гиламларга ҳаваси келди. Ушбу маҳсулотларни харид қилишди. Россиялик ва туркиялик сайёҳлар нигоҳи қорақалпоқ сўзаналари, ўтов ичидаги нақшларга бўлди. Улар бу миллий, қадимий ашёларни Шарқ мўъжизаси, деб аташди.



Биз бу ерда миллий аёнчалар, урф-одатлар ҳамда қадриятларимизни тарғиб қилиш билан бирга қадимий усулда гилам тўқиш сир-асрорларини ёшларга ўргатамиз, кашта ва сўзаналар тикишда маҳорат дарслари ташкил этамиз. Мақсадимиз — Самарқанднинг жозибаси ва зиёси қорақалпоқ маданияти билан уйғун эканини намойиш қилишга қаратилган.

Тарихий лаҳзаларни ҳеч қачон унутма олмайман



Саодат НИЗОМОВА, кошталдўз:

— Бизни Шахрисабдан "Боқий шаҳар"га тақлиф қилишганида турайдиган жойимиз йўқ, қандай буларкан, деб ўйлагандик. Бекорга хавотирланган эканмиз, бизга меҳмонхонадан жой ажратиб, ҳамма шароитларни яратиб беришди. Шахрисабда "Мевазор —

Саодат" касаначилик ишлаб чиқариш кооперациясини очганмиз, уйда ўтирган 150 нафар хотин-қизни иш билан таъминладик. Пандемия даврида ҳар бир аёл учун хомашё, яъни калава ип сотиб олиш учун давлат томонидан 2,5 миллион сўмдан субсидия ажратилди. Хотин-қизларимиз бажарган ишларига қараб ҳақ олишади, ҳаммалари давлатимиздан, Президентимиздан миннатдор. Мен Бирлашган Араб Амирликларидида Абу Дабӣ шаҳрида бўлиб ўтган Шоҳ Зайид халқ амалий санъати фестивалига Ўзбекистон томонидан тақлиф этилиб, ўзим тайёрлаган каштачилик маҳсулотларим билан катнашдим. У ерга 30 та мамлакатдан хунармандлар келишди. Ўзим ва шогирдларим томонидан тайёрланган нафис

дўппилар, кашта ва бошқа маҳсулотлар кўпчиликлари маъқул келди. Уша ерда 10 минг долларга хунармандчилик ишларимизни сотдик. ШХТ саммити бўлиб ўтаётганида олий даражадаги меҳмонлар "Боқий шаҳар"ни томоша қилишга келиб қолишди. Мен одобдан бўлмасам ҳам улар билан бирга келаётган Президентимиз Шавкат Мирзиёевни кўриб, меҳрим тошиб, югуриб бориб унга ўзим тиккан дўппини кийдирдим. Давлатимиз раҳбари миннатдорлик билдирди, биргаликда суратга тушдик. Шундан кейин тиккан дўппиларимдан икки-учта давлат раҳбарига тақдим қилдим, улар ҳам бошларига кийиб олишди. Бу тарихий воқеа ҳаётимнинг энг ёрқин лаҳзалари бўлиб қолди.

Касбимдан фахрланаман



Абдвали НАБЕВ, кулол:

— Давлатимиз раҳбари бу ердаги қурилишларни кўздан кечиришга келганда ишларимизни кўриб,

мароқ билан томоша қилишди. Мени қувонтирадиган жиҳат шундан иборатки, "Боқий шаҳар"да устахона очганимдан сўнг миллий кулолчилик маҳсулотларимизни хориждан келиб кўрувчилар сафи жуда кўпайди. Ҳар куни Япония, Буюк Британия, Франция, Португалия, Швеция каби ўнлаб мамлакатлардан келган сайёҳлар маҳсулотларимизни харид қилишмоқда. Кўпинча хорижликлар бу беҳирим, чиройли ва миллий буюмларнинг ясалши жараёни билан қизиқшади. Уларга эринмасдан ҳаммасини кўрсатамиз. Хунарманд сифатида янги Ўзбекистоннинг, янги Самарқанднинг миллий аёнчаларини дунёга тарғиб қилаётганимдан ва шу касб эгаси эканимдан фахрланаман.

Қуръонни Самарқанд қозғозига кўчирияман



Азиза СОБИРОВА, хаттот:

— "Боқий шаҳар" мажмуасида хунармандлик дўконини очиб, хаттотлик билан машғулман. Хорижликлар, айниқса,

Уч йилдан буён 60/80 см. ўлчамдаги Самарқанд қозғозига Қуръонни қўчириб, китоб ҳолига келтириш устида иш олиб бораёман. Ўз санъат асарларим билан ислом давлатларидан бирида ташкил этилиши қўлайлаётган анжуманга тайёргарлик кўрияман. ШХТ саммитида меҳмонларга ўз ижод намуналаримни тақдим қилганимдан беҳад мамнунман.

Инсон қўли билан яратилган мўъжиза



Асия ҲАБИБУЛИНА (Тошкент шаҳри):

— Самарқандга яна келишни анча йиллардан буён орзу қилиб юрган эдим. Мана бугун бу ният рўёбга чиқди. Бетакрор обиди — Бибиҳоним бу менинг тасаввуримдаги энг улғувор иншоот. XIV асрда барпо қилинган бебаҳо меъморий обиди ҳозиргача сайёҳларда хайрат уйғотмоқда. Бунинг мен инсон қўли билан барпо қилинган мўъжиза, деб ҳисоблайман ва шу юрт фуқароси эканимдан фахрланаман. Тарихий обидалар юрт жамолини дунёга кўз-кўз қилаётгани, дунё нигоҳи Самарқандга қаратилганидан жуда бахтиёрман.

Рости, Самарқандга келиб, жонажон юртимизга бўлган муҳаббатим янада юксалди. Хориждан келаётган сайёҳлар билан суҳбатлашганимда улар Ўзбекистонга, Самарқандга меҳри ошиб бораётгани ҳақида тўққинлашиб гапиряшди. Бу меҳр эса дунё халқлари ўртасида дўстликни, тинчликни, барқарорликни таъминлашга хизмат қилади. Самарқандга болалик чоғларимда ҳам келганман ва у пайтлар бу маҳобатни илгамлаганман. Назаримда йиллар ўтиши билан кўнча обидалар янада салобатли ва қадри ошаётгандек туюлди. Мамлакатимизда аждодлардан қолган маданий бойликларни асраш, авайлаш ва келгуси авлодга етказиш йўлида хайрли ишлар олиб борилаётгани туфайли тарихий обидалар умри узайиб, тобора кўркамлашиб бормоқда.

Ўзбекистон бўйлаб сайёҳат қилинг



Дилшод НАРЗИҚУЛОВ, Самарқанд вилояти туризм ва маданий мерос бошқармаси бошлиги ўринбосари:

— Сайёҳларнинг Самарқандга оқимини кўпайтириш мақсадида шу йил 1 октябрдан бошлаб Самарқанд аэропорти очик осмон режимида ишлаш бошлади. Бу авваламбор, барча авиакомпаниялар — маҳаллий ва хорижий ҳаво учоқлари учун Самарқанд осмони очик, дегани. Натижанда биз бевосита туристларимизни кўпроқ жалб қилишга эришамиз ва авиакомпанияларнинг сони қанчалик кўп бўлса, нарх жиҳатидан ҳам, сифат жиҳатидан ҳам хизмат кўрсатиши яхшиланади. Мана биргина мисол, Дубай — Самарқанд йўналиши йўлга қўйилди. Ҳозирда ҳафтада икки марта, келгусида ҳафтасига 5 марта қатновни амалга ошириш режа қилинган. Маҳаллий авиакомпаниялар доирасида Андижон — Самарқанд, Наманган — Самарқанд йўналишлари йўлга қўйилди. Масалан, Наманганга транспорт орқали 8-9 соатда борилса, самолётда 1 соатда манзилга етасиз. Бу ҳам ички туризмни ривожлантириш йўлидаги саъй-ҳаракатларимиздан биридир.

Самарқандда фақат зиёрат туризми билан чекланиб қолмасдан, ёз мавсумида сузиш хавзаларини ишга туширдик. Бунинг учун Каттақўрғон сув омборининг бир қисмида ва Ургут туманидаги Омонкўтон сув омборидан фойдаланиш имконияти яратиб берилди. Тадбиркорларимиз томонидан сузиш ҳавзаси ва пляж барпо қилинди. Тоғ туризми бўйича Нуробод туманидаги Оксой қишлоғида Ҳазрат Довуд зиёратгоҳи танланди. Бу зиёратгоҳ чўққидида жойлашган бўлиб, унга чиқиб бориш қарийб бир ярим мингта зинани ташкил қилади. У ерда ҳозир тадбиркор томонидан канат — осма дор йўли ташкил қилиняпти. Тоғ-экстремал туризм федерацияси билан биргаликда канат йўли ва экстремал тоғ туризми йўналишини ташкил этди. Яқинда Осие чемпионати шу ерда ўтди. Эндилкида хорижий туристларнинг келиши ҳам орттиб бормоқда. Агротуризм йўналишида Тайлоқ ва Булунгур туманларидаги узумчилик кластерлари узумзорларидан унумли фойдаланган ҳолда Тайлоқ вино заводи билан биргаликда бевосита узум етиштириш ва уни винога айлантириш жараёнлари сайёҳларга кўрсатилмоқда. Туризм ва маданий мерос вазирилик томонидан "Ўзбекистон бўйлаб сайёҳат қилинг" лойиҳаси ишлаб чиқилган. Шу йилнинг сентябрь ойидан бошлаб ички туризмни ривожлантириш мақсадида ҳар бир сайёҳга кешбек, яъни сарфлаган пулининг маълум фоизини уларга қайтариб бериш тартиби йўлга қўйилди. Бу халқаро амалиётда, қолаверса,

Ўзбекистон тажрибасида солиқ сиёсатида кенг қўлланиб келинмоқда. Албатта, иқтисодий манфаатдорлик бор жойда ривожланиш бўлади.

"Ўзбекистон бўйлаб сайёҳат қил!" дастури доирасида Самарқанд кўчаларида мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келган меҳмонлар айланб юришибди. Уларни хостел, ўй меҳмонхоналарига жойлаштиряймиз.

Самарқандда 2022 йил 9 ойида жами 2,5 миллион сайёҳ келди. 2022 йил якунигача, жумладан, октябрь-ноябрь ойи — олтин мавсумда турагент, туроператорларимиз томонидан хорижий меҳмонларни Ўзбекистонга жалб қилиш бўйича пакетлар сотилган. Авиарейслар сони кўпаймоқда, темир йўл орқали теозорар "Афросиёб" поезди рейслари сони ошмоқда. Бу, албатта, Самарқанднинг туризм салоҳияти юксалиб борётганидан далолат беради.

Халқаро туризм ташкилотининг 2023 йилги саммитини Самарқандда ўтказишни мўлжаллаган. Бу нуфузли анжуманга қизгин тайёргарлик кўрилмақда. Қувончли жиҳати шундаки, бу ташкилотнинг Марказий Осие давлатларида ўтайдиган илк саммити ҳисобланади. Давлатимиз раҳбарининг туризмга берган эътибори туфайли Самарқанд шаҳри халқор микёсда эътироф этилмоқда. Йил якунига қадар Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлар раҳбарлари учрашуви, иқтисодий форумлар ҳам Самарқандда ўтказилиши шахримизнинг нуфузи йил сайин орттиб бораётганидан далолат беради.



Самарқанд ҳақида гап кетганда, халқимизнинг "Юз марта эшитилган бир марта кўрган афзал", деган мақолини айтиш киёф. Бинобарин, ушбу қадимий кент дунёда бориб кўриши шарт бўлган 50 та шаҳар рўйхатида бежиз қиритилмаган.

Бугун бу азим шаҳар дунёга кучоқ очмоқда, дунё ҳам Самарқандга юзланмоқда. Бебаҳо қадриятлари, боқий аёнчалари ва фузункор табиати билан дунё сайёҳларида ҳадис ҳайрат уйғотувчи мафтункор шаҳар Президентимизнинг эътибори ҳамда ташаббуси билан тараққийнинг мутлақо янги босқичига кўтарилди. Бу ерда ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш соҳалари, санъат ва маданият ички ривожланмоқда. Улкан қурилиш-бунёдкорлик ишлари боис шаҳарнинг эжозиб сурати азалий нуфузи ва юксак сирати монанд кўркамлашмоқда. Бу ўзгаришлар дунё аҳли эътиборини оҳанрабодек ўзига тортиб, бу сеҳрли мавога сайёҳлар оқимини кўпайтирмоқда. Муҳтасар айтганда, Самарқанд янги Ўзбекистоннинг туризм дарвозасига айланмоқда.

Фахриддин БОЗОРОВ, Нуруллоҳ ОСТОНОВ («Халқ сўзи»).

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

ОСИЁДА ТИНЧЛИК, БАРҚАРОРЛИК ВА ФАРОВОНЛИК ТАЪМИНЛАНИШИ ЙЎЛИДА

Шунингдек, гуманитар йўналишда ишончли мустаҳкамлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, цивилизациялар ўртасидаги муносабатларда ўзаро ҳурмат, англашув ва барикенгликни мустаҳкамлаш, ОХИЧКга аъзо давлатлар ўртасида ўзаро ишончли мустаҳкамлаш чораларини амалга оширишда иборатдир.

ОХИЧК ўз фаолиятини давлат ва ҳукумат раҳбарларининг декларациялари, шунингдек, ташкилотнинг бошқа бошқарув органлари доирасида амалга оширади.

ОХИЧКга аъзо давлатлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солуви тамойиллар декларацияси (1999 йил 14 сентябрь), Терроризмни барқарор этиш ва цивилизациялар ўртасида мулоқотга кўмаклашиш тўғрисидаги декларация (2002 йил 4 июнь) ва бошқа қатор ҳужжатлар ОХИЧК фаолияти учун ҳуқуқий асос ҳисобланади.

ОХИЧК бошқарув органларига Давлат раҳбарлари саммити, Ташқи ишлар вазирлари учрашуви ва Юқори лавозимли масъуллар кўмитаси қиради. Тузилманинг ишчи органлари Махсус ишчи гуруҳ, Экспертлар учрашуви, Иктисослашган учрашуви ва Котибиятдан иборат.

Оқиллар кенгаши, Ишбилармонлар кенгаши, Ёшлар кенгаши, ОХИЧК Таҳлил марказлари форуми кенгашининг маслаҳат-ийгин органлари ҳисобланади.

Олий даражадаги учрашувлар ҳар тўрт йилда бир марта чақирилади.

Ташкилот фаолияти доғомида ОХИЧКга аъзо давлатлар раҳбарларининг бешта саммити бўлиб ўтган. Улар Козогистон (2002 ва 2006 йиллар), Туркия (2010 йил), Хитой (2014 йил) ва Тожикистонда (2019 йил) ташкил этилган.

Ташқи ишлар вазирларининг учрашувлари ҳар икки йилда ўтказилади. Вазирлик йиғилишлари ОХИЧК фаолиятига оид барча масалани кўриб чиқиш ва маслаҳатлашувлар учун асосий форум ҳисобланади.

Хозирги кунда 27 мамлакат ОХИЧКга аъзо бўлган. Улар Озарбайжон, Афғонистон, Баҳрайн, Бангладеш, Вьетнам, Миср, Исроил, Ҳиндистон, Иордания, Ироқ, Эрон, Козогистон, Қатар, Камбоджа, Хитой, Корея Республикаси, Қирғизистон, Мўғулистон, БАА, Покистон, Фаластин, Россия, Тожикистон, Таиланд, Туркия, Шри-Ланка ва Ўзбекистон. 9 мамлакат — Беларусь, Индонезия, Малай-

зия, АҚШ, Украина, Филиппин, Япония, Лаос ва Туркменистон ҳамда 5 халқаро ташкилот — БМТ, ЕХТ, Араб давлатлари лигаси, Туркий тилли давлатлар Парламент Ассамблеяси, Халқаро миграция ташкилоти ОХИЧКда кузатувчи мақомига эга.

2007 йил октябрь ойида ОХИЧК БМТ Бош Ассамблеясида кузатувчи мақомига олган. Шунингдек, тузилма Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Евроосий иқтисодий иттифоқи, Халқаро миграция ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Гиёҳванд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси ва ШХТнинг Минтақавий аксилтеррор тузилмаси билан ўзаро Англашув меморандумларини имзолаган.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Душанбе шаҳрида (2019 йил июнь) бўлиб ўтган ОХИЧК саммити доирасида ёшларнинг радикаллашувига қарши курашиш, динлараро тотувлик, таълим ва маданий ўзаро боғлиқлиқни сақлаш бўйича мулоқотни йўлга қўйиш, Ўзбекистонни ОХИЧКнинг илм, таълим ва маданий-гуманитар ҳамкорлик соҳасида ишонч чоралари бўйича мувофиқлаштирувчи этиб белгилаш каби қатор ташаббусларни илгари сурди.

2020 йил ноябрь ойидан эътиборан Ўзбекистонга инсоний ўлчовдаги ишонч чоралари бўйича мувофиқлаштирувчи ролни юклаган. Ўзбекистон Ёшлар ишлари агентлиги ОХИЧК Ёшлар кенгаши фаолиятида ҳамраис сифатида иштирок этмоқда.

2021 йил Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти ОХИЧК Таҳлил марказлари форумининг доимий аъзоси этиб белгиланган.

Мухтасар айтганда, мамлакатимиз ушбу кенгаш доирасида Осиё минтақасидаги ҳамкорлик усувчанлиги сақланиб қолганининг тарафдоридир.

ОХИЧКга аъзо давлатлар раҳбарларининг бўлажак учрашуви Осиёда тинчлик, барқарорлик ва фаровонликни таъминлаш, ишонч ва хавфсизлик чораларини мустаҳкамлаш каби эзгу мақсадларга эришишда ўзаро манфаатли ечимларни биргаликда қабул қилишга ҳизмат қилади.

«Дунё» АА.

Биз ва жаҳон

ЎЗБЕКИСТОН ГАЙАНА БИЛАН ДИПЛОМАТИЯ МУНОСАБАТЛАРИНИ ЎРНАТДИ

Гайана Ўзбекистон дипломатия муносабатларини ўрнатган 142-давлат бўлди.

10 октябрь куни Нью-Йорк шаҳрида (АҚШ) Ўзбекистон Республикаси ва Гайана Кооператив Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди.

Ҳужжатни икки давлат ҳукуматлари номидан Ўзбекистоннинг БМТдаги доимий вакили Бахтиёр Ибрагимов ва Гайананинг БМТдаги доимий вакили Каролин Родригез Биркет имзоледи.

Гайана Жанубий Американинг шимоли-шарқий соҳилида жойлашган, Британия Ҳамдўстлиги, шунингдек, Америка давлатлари ташкилотига аъзо.

Томонлар халқаро ташкилотлар, жум-

ладан, БМТ ва унинг иктисослаштирилган муассасалари доирасида кўшма ҳамкорликни мустаҳкамлашдан манфаатдор эканлигини тасдиқлади. Ҳамкорликнинг ўзаро манфаатли йўналишларини излаш учун икки томонлама алоқаларни давом эттириш бўйича келишувга эришилди.

Ҳужжатнинг имзоланиши Ўзбекистоннинг Жанубий Америка давлатлари билан ўзаро ҳамкорлигини кенгайтириш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

«Дунё» АА. Нью-Йорк

Ўзбекистон — Канада:

АЛОҚАЛАР ЯНАДА КЕНГАЯДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутatlари Д. Файзиева ва Э. Салихов Канаданинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси (қароргоҳи Москва шаҳрида) Э. Леклер билан учрашди.

Мулоқот

Мулоқот аввалида меҳмонга Қонунчилик палатасининг таркибий тузилиши, унинг қонун ижодкорлиги йўналишидаги фаолияти, палатанинг қўмиталари, комиссиялари ва депутатларнинг асосий вазифалари ҳамда «Ҳаракатлар стратегияси» — Тараққиёт стратегияси сари» тамойили асосида қабул қилинган 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида батафсил маълумот берилди.

Ўз навбатида, элчи учрашувдан мамнуллигини билдирар экан, давлатнинг ички ва ташқи сиёсати, унинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва бошқа соҳалардаги барқарор ривожланишида парламентнинг фаолияти катта аҳамиятга эгалигини таъкидлади.

Э. Леклер Ўзбекистон халқаро муносабатларининг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида, минтақа ва глобал даражада фаол ташқи сиёсатни йўлга қўйиб, хорижий ҳамкорлар билан ўзаро манфаатли муносабатларини изчил ривожлантираётганини қайд этди. Унинг фикрича, Ўзбекистон Марказий Осиёда

етақчи давлат сифатида ўзини намён қилмоқда ва минтақадаги барқарор вазиятни таъминлашда муҳим ўрин эгаллайди.

Учрашувда элчи Президент Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий иродаси ва ташаббуслари натижасида мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва нуфузини янада юқори даражага кўтараяётганини эътироф этиб, элчи сифатида бу жарағнага ўз ҳиссасини қўшишга тайёр эканлигини маълум қилди.

Ўзбекистон — Канада ўртасидаги савдо-иқтисодий, таълим, қишлоқ хўжалиги, транспорт, энергетика ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни амалга оширишда мавжуд салоҳиятдан тўлиқ фойдаланилмаётгани таъкидланди.

Конструктив рўхта ўтган учрашувда томонлар икки мамлакатнинг нафақат парламентлараро, балки бошқа соҳа ва йўналишларнинг ривожланиши борасида ўзаро фикр алмашинувлари орқали тегишли чора-тадбирларни амалга оширишга келишиб олдилар.

«Халқ сўзи».

ИЖРО ТИЗИМИДА УЧРАЁТГАН КАМЧИЛИКЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЛОЗИМ

Парламентдаги депутатлик корпуси вакиллари жойларда олиб борилаётган ишларнинг ҳақиқий аҳолини ўрганиш, аҳоли билан яқиндан мулоқот ўрнатишга алоҳида эътибор қаратиб келаётир.

Шу йилнинг 27 — 30 сентябрь кунлари депутатлар ўзлари сайланган сайлов округларида бўлиб қайтиди. Сайловчилар билан ўтказилган навбатдаги учрашувлар ҳам аҳолининг муаммоларини ўрганиш, ушбу масалаларни чуқур таҳлил қилиш орқали амалдаги қонунчиликни янада такомиллаштириш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини тушунтириш маъносида самарали кечди.

Депутатлар — худудларда

Учрашувлар ҳамда мулоқотлар жараёнида аҳолининг муаммолари, кенг жамоатчилик мамлакатимиз Президентини томонидан аҳоли фаровонлиги ва турмуш даражасини юксалтириш, худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларни, қабул қилинаётган Фармон ҳамда қарорларни яқиндиллик билан қўллаб-қувватламоқда. Аҳолининг турмуш шароитларини янада яхшилаш борасида ислохотлар одамларнинг эртанги кунга бўлган ишончнинг бундан-да мустаҳкамлаётганини эътиборга молик.

Шунингдек, амалга оширилаётган конституциявий ислохотлар аҳоли фаровонлигини юксалтиришга, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини мустаҳкамлаш ҳамда мамлакат бунёдкорликни таъминлашга ҳизмат қилиш сайловчилар томонидан алоҳида эътироф этилиб, жамоатчилик томонидан Бош қўмитамизга киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар фаол қўллаб-қувватланапти.

Таъкидлаш жоизки, октябрь ойининг бошида бўлиб ўтган барча сиёсий партиялар фракцияларининг йиғилишларида депутатларнинг сайлов округлари

да олиб борган фаолияти яқунлари атрофида кўриб чиқилди. Тўлган маълумотларга кўра, 27 — 30 сентябрь кунлари депутатлар томонидан жами 2 974 та объектга, жумладан, 479 та маҳалла фуқаролар йиғини, 1 359 та ҳонадон, 467 та ижтимоий соҳа объекти, 296 та тадбиркорлик субъектида мулоқотлар ташкилланган.

Шунингдек, Президентини Халқ қабулхоналари билан ҳамкорликда фуқароларнинг сайёр қабуллари ҳам ташкил этилиб, уларда ҳам 3 миңдан зиёд фуқаролар иштирок этди. Ўз навбатида, мазкур учрашувлар доғомида сайловчилар томонидан жойларда одамларни қийнаб келаётган 1 842 та масала кўтарилди. Ушбу масалалардан қарий ярмидан ортиси, яъни 981 таси маҳаллий ижро органлари билан биргаликда амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида ўз вақтида ва жойида ҳал этилди.

Хусусан, Қонунчилик палатаси депутати Мақсуд Қўрбонбоев ёрдами билан Хонқа туманидаги Пахта маҳалласида истиқомат қилувчи Ч. Сапаровага субсидия асосида тикув машинаси олиб берилди. Депутат

Турсуной Муратова кўмағида эса Қўрғонтепа тумани «Бирлашган» МФЙда истиқомат қилувчи С. Турғунованинғ мурожаатига кўра, 25 миллион сўм микродорида имтиёзли кредит маблағи ажратиб берилди. Бу маблағқа уч дона тикув машинаси сотиб олинди, фуқаронинг тадбиркорлик фаолияти йўлга қўйилди.

Аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартиришга ҳисса қўйиш йўналишида олиб борилган ишлар натижасида 18 нафар фуқарони ишга жойлаштириш, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун имконият яратиш мақсадида 14 нафар фуқарога субсидия ва 27 нафар фуқарога жами 120 миллион сўмдан зиёд кредит маблағлари ажратилишига кўмаклашилди.

Халқимизнинг малакали тиббий хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқини таъминлаш мақсадида тиббий-ижтимоий химояга муҳтож 8 нафар фуқарога имтиёзли даволаниш учун ордер олишга кўмаклашилди. Жойларда одамларнинг мавжуд яшаш шароитларини яхшилаш бўйича қўрилган чоралар натижасида 38 нафар фуқаро турли қўриқлардаги моддий ёрдам билан таъминланди.

Хусусан, Қонунчилик палатаси депутати Ҳазратқул Ҳўжамқуллов кўмағида Бойсун туманида яшовчи фуқаролар С. Фармонова, Б. Халилов, Х. Расулвага жами 8 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилишига эришилди.

Депутат Моҳира Ҳўжаева ёрдами билан Қўрай туманидаги «Ёшлик» МФЙда яшовчи Н. Бобомуродовага, депутат Даврон Арипов аралашуви билан эса Бекобод туманидаги Оқтепа маҳалласида истиқомат қилувчи О. Нурнаевага саломатлигида муаммоси бор фарзанди П. Исаевани даволатиши учун моддий ёрдам кўрсатиладиган бўлди.

Аҳолининг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида ижтимоий химояга муҳтож 15 нафардан зиёд фуқаролар томонидан турли қўриқлардаги нафақа тайинлаш бўйича қилинган мурожаатлар ҳам жойида ҳал этилди.

Худудларда йўл-транспорт инфратузилмасини янада яхшилаш мақсадида фуқароларнинг мурожаатлари асосида ички йўллари таъмирлаш, автобус қатновларини йўлга қўйиш, зарур жойларга тегишли йўл белгиларини ўрнатиш ва йўловчиларга бошқа қўлайликлар яратиш борасида ҳам муайян натижаларга эришилди.

Депутатларнинг сайловчилар билан жойлардаги учрашувларида кўтарилаётган масалалар, уларнинг ечими борасида таҳлиллар шунки қўрсатдики, аҳолининг катта қисмига амалдаги қонунчиликда белгиланган тартиб-қоидаларни тушунтириш, турли йўналиш ва мавзуларда ҳуқуқий маслаҳатлар бе-

риш борасида қилинадиган ишлар кўпчилиги қолаётганлиги маълум бўлмоқда. Қолаверса, республика даражасида эътибор қаратилиши талаб этиладиган масалалар ҳам оз эмас. Учрашувларда депутатлар томонидан алоҳида вақт ҳамда маблағ талаб қиладиган 120 дан ортиқ масалалар жиддий назоратга олинди.

Аҳоли бандлигини таъминлаш, уй-жой коммунал хизмати сифатини яхшилаш, ижтимоий соҳа объектларини қуриш ва реконструкция қилиш, аҳолининг электр энергияси, тоза ичимлик суви билан таъминлаш, канализация тизимларини барпо этиш, тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, шу жумладан, бирламчи тиббий-санитария ёрдами фаолиятини такомиллаштириш соҳасида ечимлини кўтаётган масалалар ҳам учраб турибди.

Худудларда айрим умумтаълим мактаблари сифатининг жорий талабларга жавоб бермаслиги ишларни таълим муассасаларига қамраб олишда турли муаммоларни келтириб чиқармоқда. Ҳуқуқий ёшларнинг таълим олишига муносиб шароитлар яратиш мақсадида умумтаълим мактабларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ҳамда ўқувчиларни сифатли дарслар билан таъминлаш масаласи долзарбликка эришди.

Мухтасар айтганда, депутатларнинг сайловчилар билан учрашувлари халқимизни ўйлантираётган масалаларга оид қонунчиликни такомиллаштириш, ижро тизимида учраётган айрим камчиликларни барқарор қилишда муҳим аҳамият касб этади.

«Халқ сўзи».

Олий Мажлис Сенатида

ХАЛҚАРО АНЖУМАНИНГ ТАШКИЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ



Яқинда «Қашқадарё вилоятининг туризм салоҳиятини ривожлантириш: муаммолар ва истиқболлар» мавзусида халқаро давра суҳбати ўтказилиши режалаштирилган. Шу муносабат билан кеча Олий Мажлис Сенатида ишчи гуруҳ томонидан мазкур тадбир мазмун-моҳияти ва ташкилий жиҳатлари муҳокама қилинди.

Давра суҳбати Сенатнинг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси, Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ), Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирликлари билан ҳамкорликда ўтказилди.

Муҳокама чоғида юртимизнинг улкан ва ноёб сайёҳлик салоҳиятини юзага чиқариш учун республикада қўлай шарт-шароит яратилгани алоҳида таъкидланди.

Ўз навбатида, Президентимиз 2022 йил 19 сентябрь куни бўлиб ўтган селектор йиғилишида аҳоли фаровонлиги ва турмуш сифатини ошириш йўналишида ички ва ташқи туризмни ривожлантириш масалаларини ҳал этишининг пировард мақсадлари, аввало, ва-

зифалари ва механизмларини аниқ белгилаб бергани айтиб ўтилди. Қашқадарё вилоятида мазкур соҳани ривожлантириш учун кенг, аниқ чоғда, фойдаланилмаётган имкониятлар мавжудлигига ҳам эътибор берилди.

Бўлажак давра суҳбатининг мақсади Қашқадарё вилоятида туризмни янада ривожлантириш ва соҳа салоҳиятини пайдаланувчи салбий омилларни барқарор этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Шу билан бирга, халқаро анжуман доирасида инвесторларни худуд салоҳияти билан яқиндан таништириш, аниқ лойиҳаларни амалга оширишга хорижий донорларни жалб қилиш мақсадида оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида махсус ахборот турларини ташкил этиш кўзда тутилган.

«Халқ сўзи».

ОИЛАДА ТАРБИЯВИЙ ТАЪЛИМНИНГ АҲАМИЯТИ КАТТА

Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Кутбиддин Бурҳонов башчилигидаги республика ишчи гуруҳи Андижон вилоятида ўрганишлар олиб бормоқда.

Сенатор ва ҳаёт

Бу орқали оила-турмуш доирасидаги низолар оқибатида содир этилаётган оғир ва ўта оғир жиноятларни юзага келтираётган сабаб ва шарт-шароитларни ўрганиш, жиноятчиликнинг олдини олиш чора-тадбирлари бўйича тақлифларни ишлаб чиқиш мақсади қўйилган.

Ўрганиш доғомида Андижон шаҳрида йиғилиш ўтказилди. Унда икки нафар жағнига нисбатан жиноят содир этган аёлнинг қилмишлари муҳокама қилинди. Таъбирида сўзга чиққанлар таъкидлаганидек, оила — шахс маънавияти, дунёқараш, эътиқоди, феъл-атвори ва табиғий шаклланадиган муҳаддас маънавий маскан. Агар оила мустаҳкам бўлса, маҳаллада тинчлик ва хотиржамликка эришилди. Шундай экан, жиноят содир этган фуқаро қўни олдига жавоб бериши, бу каби оилавий низоларнинг олдини олишда маҳалла раислари ва фаоллари, отинийлар ва хотин-қизлар етакчилари жонбозли кўрсатиши, оилаларда соғлом му-

ҳитни шакллантириш, ёшларнинг билим ва савиясини ошириш, айниқас, турмуш қуриш арафасидаги йилгит-қизларга, уларнинг ота-оналари ва қариндошларига оила илмини ўргатиш, оилавий муносабатларга тайёрлаш кеңиштириб бўлмас масалалар. Ўз навбатида, биз алломаларимизнинг яхши амалларга қўл уриш, одамларга наф келтириш, ҳалол меҳнат, вақт қадрига этиш каби эзгуликлардан иборат таълимотини чуқур ўрганишимиз, айни пайт бу ўғитлар мазмун-моҳиятини болаликдан ёшлар он-ғавгияда, дунёқараш, эътиқоди, феъл-атвори ва табиғий шаклланадиган муҳаддас маънавий маскан. Агар оила мустаҳкам бўлса, маҳаллада тинчлик ва хотиржамликка эришилди. Шундай экан, жиноят содир этган фуқаро қўни олдига жавоб бериши, бу каби оилавий низоларнинг олдини олишда маҳалла раислари ва фаоллари, отинийлар ва хотин-қизлар етакчилари жонбозли кўрсатиши, оилаларда соғлом му-

«Халқ сўзи».

ЭРТАНГИ КУНГА ИШОНЧ ЮКСАК МАРРАЛАР САРИ ЕТАКЛАЙДИ

Шу йилнинг 6 октябрь куни давлатимиз раҳбарининг кейинги беш йилда тубдан ўзгараётган, кундан-кунга кўркамлашиб бораётган Сирдарё вилоятига таширғи худуд аҳолисини янада руҳлантириб юборди. Бинобарин, узоқни қўлаб қабул қилинган стратегик қарорлар ҳамда халқнинг фидокорона меҳнати ўз самарасини кўрсатаётгани сирдарёликлар ҳаёти, дунёқарашини ва турмуш шароитини ўзгартириб бораётгани алоҳида таъкидланди.

Фикр

Депутат сифатида сирдарёлик сайловчилар билан тез-тез учрашиш, мулоқот қилиш асосида шунга амин бўламани, Президентимизнинг вилоятга ҳар бир таширғи уларга янада куч-қувват, зўр иштиёқ ва кайфият баж этади.

Аслида ҳам, кўтаринки кайфият, эртанги кунга ишонч одамларимизга турли қийинчилик ва синовларни ҳамкиҳлатида денгиз ўтишида муҳим омилдир. Узоқ йиллар давомида эътибордан четда қўлиб, иқтисодийнинг барча соҳасида оқарда бўлган Сирдарё кейинги йилларда пахта-ғалла соҳаларидаги шартномавий режаларни мамлакатимизда биринчи рақатарида бажаришига гувоҳ бўлялмиз. Қишлоқ хўжалигининг пахтачилик, ғал-

лачилик, мева-сабзавотчилик ва чорвачилик йўналишларида кластерлар фаолияти йўлга қўйилди. Масалан, «Деҳқонбод асл орани» мева-сабзавотчилик кластери республикамизда биринчилардан бўлиб «Global gap» халқаро сертификатига эга бўлди.

Сирдарёнинг табиғий ўзига хослигидан яхши хабардор инсонлар бу худудда қишлоқ хўжалиги ёки ишлаб чиқиш соҳасида ўсиш бўлишига ишонмаслиги мумкин эди. Аммо кенгашига нисбатан бугун яхшироқ яшайётганига амин бўлаётган, эртага фарзандлари ўзига нисбатан бахтироқ умр кечиришига кўзи етаётган сирдарёликлар ҳар қандай синовни енгиб ўтишмоқда.

Бундан ташқари, бунёдкорлик соҳасида ҳам бошқа вилоятларга ўрнқ бўлади-ган жиҳатлар йўқ эмас. Айни чоғда вило-

ятнинг турли худудларидаги объектларда қурилиш-таъмирлаш ишлари жадал сурь-атларда ортиб бормоқда. Хусусан, қури-лиш ишлари ҳажми 2021 йилдаги нисба-тан 117 фоиз ўсди. Шу билан бирга, вилоят аҳолиси орасида ишбилармон до-иралар сафи кенгайиб бораётганини ўтган йилдаги нисбатан ташкил этилган биз-нес субъектлар ҳажми 109,1 фоизга ор-тиганидан ҳам маълум. Бу эса, ўз-ўзидан, ушбу қорхона ва ташкилотларда яна миңлаб юртдошларимиз иш билан таъ-минланди, дегани.

Доимий иш ўрни яратиши, халқимизнинг даромадлари ошиши ҳақида сўз борганда, Президентимизнинг 2018 йил 12 апрелдаги «Сирдарё» эркин иқтисодий зонасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига асосан йўлга қўйилган «Сирдарё» эркин иқтисодий зонасининг ўрнига тўхталмас-дан бўлмайди. Вилоятнинг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан оқилона фойдаланиш им-конини бераётган «Сирдарё» ЭИЗнинг ум-вий ер майдони 897,2 гектар. Эркин иқти-содий зонада махсус солиқ ва божжона имтиёзлари, кафолатланган муҳандислик-

Комилжон ЭРНАЗАРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга о